

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА СУҒОРИЛАДИГАН  
ХУДУДЛАРДАГИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**Boymurodov Sami Mamurovich**

Qarshi davlat universiteti o'qituvchisi

**Аннотация:** Мақолада Қашқадарё вилояти суғорма деҳқончилик қилинадиган худудлардаги агроландшафтларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг геоэкологик ҳолати ҳамда суғориладиган ерлардан илмий асосланган ва технологик жиҳатдан такомиллашган ҳолда фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, агроирригацион ландшафтларни оптималлаштириш масалалари баён қилинган.

***Калит сўзлар:** Агроирригацион ландшафт, суғорма деҳқончилик, ирригация, канал, ҳавза, ландшафт, суффозия, сарҳад, мелиорация, гидрометрикатив, деградация, агрометрикатив.*

**GEOECOLOGICAL ASPECTS OF OPTIMALIZATION OF  
ANTHROPOGENIC LANDSCAPES IN IRRIGATED AREAS IN  
KASHKADARYA REGION**

**Boymurodov Sami Mamurovich**

Teacher of Karshi State University

**Abstract:** The article describes the issues of efficient use of agro-landscapes in irrigated agricultural areas of Kashkadarya region and their geo-ecological status, as well as scientifically based and technologically advanced use of irrigated lands, their protection, optimization of agro-irrigation landscapes.

**Keywords:** Agroirrigation landscape, irrigated agriculture, irrigation, canal, basin, landscape, suffocation, carhad, amelioration, hydromeliorative, degradation, agromeliorative

Қашқадарё вилоятида узок тарихий даврлар давомида мамлакатимизнинг ҳозирги сарҳадларида кўплаб сув иншоотларининг барпо этилишига боғлиқ ҳолда суғориладиган ерларнинг майдони кенгая борган. Ўтмишда ҳам Қашқадарё воҳасида суғориш учун кўшни Зарафшон

дарёси ҳавзасининг сув ресурсларидан ҳам фойдаланиш мақсадларида Моноарифи қазилган ва суғоришда фойдаланилган. Аммо, катта майдонларнинг ўзлаштирилиши ва суғорма деҳқончиликда фойдалана бошлаши мамлакатимизда ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб энергетика саноатининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўтган даврда Қашқадарё ҳавзасининг ўрта ва асосан қуйи оқими (Қарши чўли)да анча катта майдонлар ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончиликда фойдалана бошланди. Суғориладиган ерларда кейинги 40–50 йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва суғориладиган ерларни майдонини кенгайтириш мақсадида улкан ирригация ишлари амалга оширилди: маҳаллий сув ресурсларидан кўпроқ ва самаралироқ фойдаланиши учун сув омборлари қурилди. Деҳқончилик ерларининг сув таъминотини яхшилаш учун маҳаллий ва қўшни дарё ҳавзаларининг сув ресурсларидан фойдаланиш мақсадида бир қанча каналлар қазилди. Натижада суғориладиган ерларнинг майдони йилдан – йилга (1965 йилда 140 минг га, 1970 йилда 171,5 минг га, 1975 йилда 237,5 минг га, 1995 йилда 415 минг га, 2000 йилда 453,6 минг га, 2005 йилда 500,8 минг га, 2010 йилда 514,5 минг га) кенгайиб борди.

Ҳозирги пайтда Қашқадарё вилояти ҳудудида 2195,0 минг га майдон қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Шундан 677,3 минг га ни қишлоқ хўжалиги экинлари экиб фойдаланадиган ерлар ташкил этади. Экин экиладиган ерларнинг қарийб 79 %и (532,8 минг га) суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Вилоят суғориладиган ерларнинг майдонига кўра мамлакатимиз вилоятлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Суғорма деҳқончилик зонасида амалга оширилган ирригация ва мелиорацияга доир тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга имконият берди. Аммо, суғориладиган ерлар майдонининг кенгайишига боғлиқ ҳолда сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш, ҳидромелиоратив ишларнинг етарлича такомиллашмаганлиги ва суғориладиган ерлар ландшафтларининг хусусиятларини ҳисобга

олинмаганлиги туфайли суғоришнинг ноқулай оқибатлари билан боғлиқ бўлган геоэкологик муаммолар ҳам юзага келди. Шу сабабли агроирригацион ландшафтларни оптималлаштириш бугунги куннинг долзарб экологик-иқтисодий масалалардан бири бўлиб турибди.

Ерлардан илмий асосланган ва технологик жиҳатдан такомиллашган ҳолда фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва табиий жараёнларни имкон даражасида кўпроқ маҳсулдорликка эришиш мақсадида фаол тартибга солиш агроирригацион ландшафтларни оптималлаштириш дейилади.

Қашқадарё вилоятида агроирригацион ландшафтларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тизимида асосий амалий тадбирлар деградация жараёнларини олдини олиш, сусайтириш ва бартараф қилиш учун белгиланадиган турли агромелиоратив тадбирларни амалга оширишга қаратилмоғи лозим. Агроирригацион ландшафтлар майдонининг кенгайиши табиатда мужассамлашган динамик мувозанатни ўзгаришига олиб келди. Суғориш билан боғлиқ бўлган ҳидротехник ва агротехник тадбирлар иқтисодий жиҳатдан ижобий самаралар бериши билан бир қаторда экологик нуқтаи назардан ишлаб чиқаришга зиён етказадиган номақбул жараёнларнинг (шўрланиш, зах босиши, тупроқларнинг суғориш эрозияси, дефляция (шамол эрозияси) кучайиши, тупроқлар тузилмасининг бузилиши ва чириндисизлашуви (дегумификация), чўкиш ва зичлашув (петрификация), суффозия ва бошқа биологик ҳамда физикавий-кимёвий хусусиятларининг ўзгариши ва б.) ривожланишига ҳам сабаб бўлди. Бундай жараёнларнинг кучайиши, табиийки, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг камайишига, айрим ҳолларда эса ерларни ишлаб чиқариш оборотидан вақтинча бўлсада чиқарилишига сабаб бўлмоқда.

Қарши чўлининг ҳозирги суғориладиган ерларида ер ости сувларининг сатҳи ўзлаштирилишга қадар 20-30 м чуқурликда бўлган, аммо суғориш туфайли ҳозирги пайтда 5-7 м, баъзи жойларда эса 2-5 м ни ташкил этади. 2010-йил маълумотига кўра, Қашқадарё вилоятида суғориладиган ерлардан 242,92 минг га турли даражада (ўртача шўрланган ерлар – 48,4 минг га,

кучсиз шўрланган ерлар – 181,53 минг га, кучли шўрланган ерлар – 12,99 минг га) шўрланган.

Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларнинг сифати ўртача 54 балл билан баҳоланади. Суғориладиган ерларнинг бонитетига кўра 52,5 %ини яхши ерлар, 43 %ини қониқарли ерлар ва 4,5%ини қониқарсиз ерлар ташкил этади.

Агроирригацион ландшафтларда уларнинг маҳсулдорлигига: а) тупрок ҳосил қилувчи омилларнинг ўзгариши, ирригация эрозиясининг кучайиши; б) суғориладиган ерлар ва уларнинг яқин атрофидаги ерлар гидрологик режимининг қайта шаклланиши, дарёлар, сув ҳавзалари ва ер ости сувларининг далаларда катта миқдорда қўлланиладиган минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик экинларни химоя қилиш ва бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситаларнинг ювилиши туфайли зарарли кимёвий моддаларга эга бўлган зовур сувлари билан ифлосланиши; в) фауна ва флоранинг ўзгартирилиши, кўпгина ҳайвонот ва наботот олами вакиллариининг йўқотилиши ёки ўзлаштирилмаган жойларга кўчиши (миграцияси); г) микроиқлим шароитларининг ўзгартирилиши салбий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардир.

Шўрланиш жараёнларининг кечишини кузатиш бу жараёнларнинг жуда мураккаб эканлигидан далолат беради. Суғориладиган ерларда ҳам ландшафт шароитларини эътиборга олган ҳолда мелиоратив, агротехникавий ва хўжалик тадбирлари мажмуасини ўтказишни тақазо этади. Биринчи навбатда ўзлаштирилган ерларнинг ландшафт компонентларининг сажиясини эътиборга олган ҳолда зовур – дренаж тармоқларининг узунлиги ҳар бир гектар ҳисобига лойиҳадаги даражасига етказиш лозим, яъни дренаж тармоқлари солиштирма узунлигини ҳозирги мавжуд узунликка нисбатан 1,5 – 2 барабар ошириш лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, зовурларнинг чуқурлигини ҳам 2 – 2,5 м дан оширмаслик лозим. Тажрибалар шунини кўрсатадики, чуқур зовурлар (2,5 м дан чуқур бўлса) улар шўрсизлантиришга эмас, аксинча шўрланишни кучайишига имкон беради. Чунки, чуқур

зовурлар атрофида тарқалган тупроқларнинг юза қатламлари вегетация даврининг охирида кучли қуруқлашади ва қишки-баҳорги ёғинлар тупроқларни ювишга эмас, балки тупроқдаги нам захираларини тўлдиришга сарфланади. Ҳозирги пайтда эса фойдаланилаётган зовур – дренаж тармоқларини реконструкция қилиш ва уларни лойқа ва чиринди ётқизикларидан тозалаш ишларини узлуксиз равишда амалга ошириш ва уларда минераллашган сувларнинг оқимини яхшилаш имкониятларини таъминлаш лозим.

Шундай қилиб, агроирригацион ландшафтларнинг маҳсулдорлигини ошириш биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун номақбул жараёнлар кечаётган ландшафтларни (ёки морфологик бирликларини) аниқлаш ва картага тушириш ва сўнгра, уларнинг кечишини сусайтиришга ёки батамом бартараф қилишга қаратилган мелиоратив тадбирларни ўтказиш лозим. Бу тадбирлар албатта ландшафтларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоғи зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаев С.И., Муртазаев Б.Ч., Муродова Д.С. Суғориладиган деҳқончилик худудларида ландшафтларнинг ўзгариш хусусиятлари // «Жанубий Ўзбекистон табиат манбаларидан оқилона фойдаланиш масалалари». Мақолалар тўплами. Қарши, 2004

2. Абдуллаев С.И., Усмонов И. Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг геоэкологик муаммолари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 24-жилд. Т, 2004

3. Қодирова А. Қашқадарё вилояти агроирригация ландшафтларини ўрганишнинг айрим масалалари // Кўҳна ва навқирон география. Илмий – амалий конференция материаллари. Т., 2008.

4. Абдулқосимов А.А. ва б. Антропогенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. Т., 2004.